

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ВИРУСОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АБДИЕВА РАМИЛЯ МАРАТОВНА**

**HBV, HDV, HCV ВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗЛАРИДА  
САРКОПЕНИЯГА ДИАГНОСТИК ЁНДАШУВЛАР ВА УНИ  
ДАВОЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Абдиева Рамиля Маратовна**

HBV, HDV ва HCV вирус этиологияли жигар циррозларида саркопенияга диагностик ёндашувлар ва уни даволашнинг айрим жihatлари..... 3

**Абдиева Рамиля Маратовна**

Диагностические подходы и некоторые аспекты терапии саркопении при циррозах печени HBV, HDV и HCV вирусной этиологии..... 35

**Abdieva Ramilya Maratovna**

Diagnostic approaches and some aspects of therapy of sarcopenia in liver cirrhosis of HBV, HDV, HCV viral etiology.....64

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....70

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ВИРУСОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АБДИЕВА РАМИЛЯ МАРАТОВНА**

**HBV, HDV ва HCV ВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗЛАРИДА  
САРКОПЕНИЯГА ДИАГНОСТИК ЁНДАШУВЛАР ВА УНИ  
ДАВОЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ**

**14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2441 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мусабаев Эркин Исакович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўз ФА академиги

**Расмий оппонентлар:**

\_\_\_\_\_ тиббиёт фанлари доктори, доцент

\_\_\_\_\_ тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

\_\_\_\_\_

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги \_\_\_\_\_ рақамли Илмий кенгашнинг 202\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 202\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(202 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Л.Н. Туйчиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.У. Таджиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.М. Таджиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ўтқир ёки сурункали шаклдаги ҳар қандай касалликнинг бўлиши кўпинча беихтиёр тана вазнининг йўқолиши билан бирга келади. Бу овқат етишмовчилиги ривожланишининг натижаси бўлиши мумкин. Овқатланиш бўйича Европа клиник жамияти томонидан таклиф қилинган таърифга кўра, "...овқатланишнинг етишмовчилиги - бу озиқ-овқатнинг етарли даражада истеъмол қилинмаслиги ёки сўрилмаслиги натижасида тана массасининг камайиши, жисмоний ва ақлий заифлашуви ва касаллик прогнозининг ёмонлашишидир» (Cederholm T., Vosaeus I., Barazzoni R. et al., 2015). Нотўғри овқатланиш жигар циррози бўлган беморлар орасида кенг тарқалган муаммо бўлиб, жигар циррозининг компенсацияланган босқичида 20% ва декомпенсацияланган босқичида 50% дан кўп учрайди (Shira Zelbert-Sagi, 2019). Саркопения ногиронлик ва ўлим хавфини оширишга катта ҳисса қўшишига қарамай, у камдан-кам ҳолларда ташхис қилинади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва юқумли касалликлар, жумладан, вирусли гепатитни барвақт аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш ва касалликнинг олдини олиш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг кўламли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-10-сонли «Аҳолининг соғлиғини ташхислаш, даволаш ва касалликларнинг олдини олишнинг янги технологиялари ва усуллари ишлаб чиқиш орқали муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ», бу вазифалар аҳоли ўртасида юқумли касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга кўтариш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш орқали касалланиш даражасини пасайтиришга хизмат қилади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон қарорларида белгиланган вазифалар ижросига маълум даражада хизмат қилади. муассасалари ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш», 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4891-сон қарорида ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга

тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖЦСТ) маълумотларига кўра 2019 йилда дунё аҳолисининг 296 миллион кишиси (3,8%) HBV инфекцияси билан яшаган. Шундан Осиё улуши 20% ни ташкил қилади 20%. Улардан дунёда 12,0 миллионга яқини (4,5%) HDV га эга. 2019 йилда 58 миллион киши (0,8%) HBV билан яшаган. Улардан дунёда 12,0 миллионга яқин (4,5%) HDV билан касалланган. Сурункали вирусли гепатитлар HBV инфекциясида - 66%, HCV да - 30%, HBV ва HDV да - 80% ҳолларда декомпенсацияланган жигар циррози ва ГСКга олиб келади.

Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, HBV ва HCV, айниқса ЖЦ овқатланишнинг бузилиши билан боғлиқ, жигар метаболик фаолияти бузилган беморлар овқатланишнинг бузилиш хавфига мансуб. Ушбу овқатланишнинг бузилиши жигар касаллиги бўлган беморларнинг 13-70% аниқланган.

Саркопения ҳақидаги энг кўп маълумотларни Жанубий-Шарқий Осиё ва Европа олимлари нашрларида топиш мумкин. Ўзбекистон вирусли гепатит ва жигар циррози бўйича эндемик ҳудуд бўлишига қарамай, саркопения бўйича тадқиқотлар ҳозиргача фаол ўтказилмаган. Шу муносабат билан HBV, HCV ва HDV этиологияли жигар циррози билан оғриган беморларда саркопениюни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар бугунги кунда долзарбдир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЭМЮПКИАТМ) Вирусология илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот режаларига мувофиқ ПЗ-2017090726 «Сурункали В ва D гепатитнинг турли хил вариантлари натижасида жигар циррози ва гепатоцеллюляр карциноманинг ривожланиш хавфини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг прогнози, олдини олиш ва даволашга дифференциал ёндашув» номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 гг.).

**Тадқиқотнинг мақсади** HBV, HDV ва HCV вирус этиологияли жигар циррозларида саркопениюга диагностик ёндашувлар ва уни даволашнинг айрим жиҳатлари ўрганиш.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

жигар циррози билан оғриган беморларда гепатит вируслари HBV, HDV, HCV, жинси ва Чайлд-Пью синфларининг саркопения ривожланишига таъсирини ўрганиш;

вирусли (HBV, HDV, HCV) этиологияли жигар циррози билан оғриган беморларда вазн, мушак массаси ва куч йўқотиш сабабларини аниқлаш;

вирусли (HBV, HDV, HCV) этиологияли жигар циррози билан оғриган беморларда саркопениянинг асоратлар ва касалхонага ётқизиш частотасига таъсирини баҳолаш;

вирусли (HBV, HDV, HCV) этиологияли жигар циррози ва семизлиги бўлган беморларда саркопениянинг учраш частотасини баҳолаш;

вирусли (HBV, HDV, HCV) этиологияли жигар циррози билан оғриган беморларда саркопенияни эрта аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 60 ёшгача бўлган HBV, HCV, HDV этиологияли Чайлд-Пью бўйича "А", "В" ёки "С" синфидаги жигар циррози бўлган 141 беморлар олинди. Улардан 73 беморларда бел мушак-скелет тизимининг индексини ҳисоблаган ҳолда МСКТ текширувидан ўтдилар.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида HBV, HDV, HCV этиологияли жигар циррози билан оғриган беморлар сўровномаси, веноз қон, қон плазмаси, УТТ, қорин бўшлиғи МСКТ натижалари, динамометрия, антропометрик маълумотлар олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Вазифаларни бажариш учун антропометрик маълумотларни тўплаган ҳолда клиник усуллар (ТВИ, кўкрак айланаси, елка ва трицепсни қоплаган тери бурмасини ўлчаш), учинчи бел умуртқаси сатҳида мушак массасини ўлчаш (МСКТ ёки МРТ). Қўл динамометрини қўллаган ҳолда функционал тестлар ўтказиш. Лаборатор текширувлар гемоглобин, ранг кўрсаткичи, тромбоцитлар, эритроцитларнинг чўкиш тезлигини баҳолаш билан қоннинг умумий клиник таҳлилинини; АЛТ, АСТ, билирубин ва унинг фракциялари, альбумин, креатинин, мочевина, ПТИ даражасини баҳолаш билан қонни биокимёвий текширишни ўз ичига олди; серологик усуллар (иммунофермент таҳлил). Беморларнинг жисмоний фаоллиги, ҳаёт сифати ва функционал ҳолати, шунингдек статистик тадқиқот усулларини баҳолаш учун беморларнинг шикоятлари ва SARC-F шкаласи сўровномаларидан ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди. Статистик усуллар р, Фишернинг аниқ мезони, Стюдент, Манн-Уитни мезонлари, хи-квадрат ( $\chi^2$ ) ва Пирсон корреляцияси, Мак-Немарнинг хи-квадрати ( $\chi^2$ ) ни, стандарт хатони аниқлаш, бир омилли ANOVA калькуляторидан фойдаланган ҳолда Тьюке тестини қўллаш, 95% ишонччилик интервал билан имкониятлар нисбати кўрсаткичинини аниқлаш билан амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда биринчи марта вирусли (HBV, HDV, HCV) этиологияли ЖЦ билан оғриган беморларда саркопения аниқланди. Вирусли (HBV, HDV, HCV) этиологияли ЖЦда саркопения HBV+ HDV этиологияда 1,2 марта юқори бўлди ва жинсга боғлиқ эмас эди. ПЗР текшируви пайтида саркопения ривожланиш эҳтимоли қонда HBV DNA мавжудлиги ёки йўқлигига боғлиқ эмас эди, имкониятлар нисбати 0,8 (95% ИИ: 0,066-9,669) ва HCV RNA билан имкониятлар нисбати 0,33 (95% ИИ: 0,009-11,939). HDV инфекциясига мусбат ПЗР натижасида саркопения 15 (71%) беморда аниқланди, ўртача HDV RNA сони  $700649,3 \pm 459468$  коп/мл, 6 (28%) беморда эса кузатилмади, ўртача HDV RNA сони  $245008,3 \pm 154846,75$  коп/мл. ЖЦ билан оғриган беморларда HDV RNA вирус юкламасининг ошиши билан саркопения аниқланиши кўпайди.

Динапения ривожланиш эҳтимоли қонда HBV DNA мавжудлиги ёки йўқлигига боғлиқ бўлмаган, имкониятлар нисбати 0,56 (95% ДИ: 0,038-8,086); ижобий ПЗРда HDV RNA динапения 10 (63%) беморда кузатилган, ўртача HDV RNA  $272650 \pm 165130,28$  коп/мл, 6 (37%) беморда эса кузатилмаган, ўртача HDV RNA  $245008,3 \pm 154846,75$  коп/мл. HCV RNA ижобий ПЗР билан 4 (57%) беморда динапения ривожланиш хавфи манфий - 1 (50%) ҳолатга қараганда 1,33 баравар юқори, имкониятлар нисбати 1,33 (95% ИИ: 0,057-31,123). ЖЦ билан оғриган беморларда пресаркопения (мушак массаси етишмовчилиги) фақат эркакларда сезиларли даражада кўпроқ кузатилган - 24% ҳолларда;

Чайлд-Пью бўйича "А" синфида саркопения - 8% ҳолатда аниқланган, улардан HBV DNA борлигида 100%, HDV RNA - 50%, HCV RNA аниқланиш ҳолатлари эса кузатилмаган. Чайлд-Пью бўйича "В" ва "С" синфларда саркопения 23% ҳолатда аниқланди. Чайлд-Пью бўйича "В" ва "С" синфларда саркопения 23% ҳолатда кузатилди. Улардан Чайлд-Пью бўйича "В" синфида саркопения HBV DNA мусбат бўлганда 75%, HDV RNA мусбат бўлганда 78% аниқланди ва HCV RNA аниқланиш ҳолатлари кузатилмади. Чайлд-Пью бўйича "С" синфида саркопения HBV DNA мусбат бўлганда 80%, HDV RNA мусбат бўлганда 80%, HCV RNA мусбат бўлганда 1 ҳолатда аниқланди. Жигар циррози ривожланган даврда саркопения хавфи ошиб борган: Чайлд-Пью бўйича "С" синфда саркопения хавфи "В" синфга нисбатан 1,4 марта ва "А" синфга нисбатан 1,6 марта юқори бўлган. Чайлд-Пью бўйича "В" синфда саркопения ривожланиш хавфи "А" синфга нисбатан 1,12 марта юқори;

беморларнинг шикоятлари ва текширув маълумотларини таҳлил қилиб, саркопения билан HBV DNA ва HDV RNA мусбат бўлган ЖЦда асоратлар ривожланишининг юқори хавфи аниқланган: энцефалопатия, асцит, тери ва склеранинг сариқлиги ривожланиш хавфи 4,3 баравар юқори, хамда ошқозон-ичакдан қон кетиш хавфи 1,5 баравар юқори;

саркопения билан оғриган беморларда лаборатория таҳлилларида анемия, тромботситопения, эритроцитлар чўкиш тезлигининг юқори кўрсаткичлари, гипоалбуминемия, гипоферментемия, гипербилирубинемия ва мочевино даражасининг саркопениясиз беморларга нисбатдан пастлиги аниқланди. Чайлд-Пью бўйича синфларга қараб, "А" синф ЖЦ билан оғриган беморларда саркопениянинг мавжудлиги қондаги тромботситлар сонини  $104,5 \pm 16,77 \times 10^9$ /л гача, саркопениясиз -  $161,8 \pm 12,95 \times 10^9$ /л гача ( $p=0,03$ ) сезиларли даражада камайтирди; саркопения билан Чайлд-Пью бўйича "А" ва "В" синфларида альбуминнинг  $33,26 \pm 1,28$  г/л ва  $28,82 \pm 0,73$  гача пасайиши кузатилди ( $F=9,0$ ;  $p=0,002$ ); саркопения билан Чайлд-Пью бўйича "В" ва "С" синфларида умумий билирубин кўрсаткичлари  $30,32 \pm 3,57$  мкмол/л ва  $89,83 \pm 15,77$  мкмол/л гача ( $F=21,56$ ;  $p=0,001$ ), боғланмаган билирубин эса  $27,21 \pm 2,73$  мкмол/л ва  $66,8 \pm 14,2$  мкмол/л гача ошди ( $F=12,77$ ;  $p=0,001$ );

жигар циррози билан оғриган беморларда меъёрий тана вазнида саркопения ривожланиш эҳтимоли ортиқча тана вазнига қараганда 94 баравар ва семизликка қараганда 21 баравар юқори;

вирусли (HBV, HDV, HCV) этиологияли жигар циррози билан оғриган беморларда даволаш воситаларини камайтириш мақсадида саркопенияни эрта ташхислашнинг иқтисодий самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

саркопенияни эрта аниқлаш алгоритмининг жорий этилиши вирусли (HBV, HDV, HCV) этиологияли жигар циррозида овқатланиш, мушак массаси ва куч бузилишларини аниқлаш, хавфли гуруҳларни аниқлаш имконини берган. Овқатланишнинг бузилиши вирус этиологияли ЖЦ билан оғриган беморларнинг 47% да, мушак кучи ва вазнининг бузилиши - 82% да кузатилган: саркопения - 31%, динапения - 27%, пресаркопения - 24%. Шундай қилиб, биз клиник белгилари кам бўлган беморларга ҳам, кўпроқ ўзгаришлар бўлган беморларга ҳам комплекс даволаш-соғломлаштириш чораларини тавсия қилишимиз мумкин;

вирусли (HBV, HDV, HCV) этиологияли жигар циррози билан оғриган барча беморларда саркопения диагностикасида юқори прогностик аҳамиятга эга бўлган умумий клиник ва биокимёвий қон таҳлилларини текшириш зарур. Тромботситлар, умумий ва боғланмаган билирубин, альбумин даражаси юқори ишончлиликини кўрсатди;

беморлар ва тиббиёт ходимларини хилма-хил, бўлиб-бўлиб, юқори оксилли овқатланишнинг фойдаси тўғрисида хабардор қилиш зарур. Ҳаракат фаоллигини кучайтириш (ётган, ўтирган ёки турган ҳолатда, пиёда юриш). Қондаги аммиакни, портал гипертензияни, танадаги яллиғланиш жараёнини камайтириш учун даволанишни қўллаш. 1 ойдан 6 ойгача бўлган ушбу чоратадбирлар саркопения ривожланиш хавфини камайтиришга имкон берди: Чайлд-Пью бўйича "А" синфида - 1,2 баравар, "В" синфида - 2 баравар ва "С" синфида - 1,3 баравар.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** илмий ишда қўлланилган назарий ва амалий ёндошув ҳамда усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, нейропсихологик, иммунологик, молекуляр-генетик, инструментал ва статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалари томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти HBV, HDV, HCV этиологияли ЖЦ билан оғриган беморларда гепатит вирусларининг мушак кучи ва вазни бузилишига таъсири ҳақидаги мавжуд тушунчаларни ривожлантириш ва кенгайтиришга сезиларли таъсир кўрсатиши билан изоҳланади. ЖЦ билан оғриган беморларда жинси, вазнига қараб саркопения ривожланишининг клиник хусусиятлари аниқланди ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЖЦ билан оғриган беморларни олиб боришнинг баъзи шартларига таъсир кўрсатди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасида вирусли (HBV, HDV, HCV) этиологияли ЖЦ билан оғриган беморлар орасида мушак кучи ва вазнининг бузилишини

аниқлаш ушбу тоифадаги шахсларни даволаш-профилактика муассасаларида олиб боришни яхшилаш имконини беради. Хавф гуруҳидаги беморларда чуқур лаборатория ва инструментал текширувлар ўтказиш зарур. Ушбу чора-тадбирлар касалликнинг сурункали шакллари билан оғриган беморларни ҳисобга олишни яхшилаш имконини беради.

Давлатнинг барча харажатларини умумий баҳолаш ЖЦ билан оғриган беморларни даволаш шароитларини яхшилаш имконини беради. Касалликни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг янги усулларини жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** HBV, HDV, HCV этиологияли жигар циррозида саркопенияни ташхислаш ёндашувлари ва даволашнинг айрим жиҳатларига бағишланган тадқиқотнинг илмий янгилиги асосида (услубий тавсиянома №1 н-р/3 2024 йил 12 сентябрь):

биринчи илмий янгилик: жигар циррози (ЖЦ) билан оғриган беморларда мушаклар кучсизлиги (динапения) HBV+HDV инфекциясида, асосан аёлларда, Чайлд-Пью бўйича "А" синфида 21-33% ҳолларда ва "В" ва "С" синфларида 52-54% ҳолларда кўпроқ учраган. Бироқ, жинси, этиологияси ва Чайлд-Пью синфлари мушак кучсизлиги (динапения) ривожланиш тезлигига сезиларли таъсир кўрсатмади. Қашқадарё вилояти бўйича мушаклар кучсизлиги (динапения) 85% - 22% эркакларда ва 63% аёлларда, Фарғона вилояти бўйича 75% ҳолларда - 29% эркакларда ва 46% аёлларда аниқланган. Фарғона ва Қашқадарё вилоятларидаги гепатология марказларида МСКТ ёки МРТ аппарати ва панжа динамометри мавжуд эмас. Шу муносабат билан, мушаклар кучсизлигини аниқлаш учун "Стулдан 5 марта туриш тести" (26.10.2024 йилдаги 37-А-сонли буйруқ ва 26.10.2024 йилдаги 31т-сонли буйруқ) қўлланилди. ЖЦга олиб келувчи гепатит вируслари орасида Қашқадарё вилоятида 63% ҳолатда ва Фарғона вилоятида 62% ҳолатда HBV + HDV инфекцияси устунлик қилди. Қашқадарё вилояти бўйича динапения Чайлд-Пью бўйича "А" синфда 33% ва Чайлд-Пью бўйича "В" ва "С" синфларида 52% учради. Фарғона вилояти бўйича - Чайлд-Пью бўйича "А" синфида 21% ва Чайлд-Пью бўйича "В" ва "С" синфларида 54%. Ижтимоий самарадорлиги: овқатланиш бузилишлари ва мушак кучини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирлар, саркопенияга олиб келадиган бузилишларнинг янада ривожланишига тўсқинлик қиладиган, динапения ривожланиш омилларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни мақсадли амалга ошириш орқали юқори самарадорликни таъминлайди. Иқтисодий самарадорлик: мақсадли профилактик чора-тадбирлар тиббий харажатларни камайтиришга, меҳнат фаолиятини яхшилашга, ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларини камайтиришга ва фаол ҳаёт давомийлигини оширишга олиб келади. Ушбу чора-тадбирлар соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий таъминотга юкламаларни сезиларли даражада камайтиришга олиб келади, шунингдек, умумий унумдорлик ва иқтисодий ўсишни оширишга ёрдам беради. Бюджет маблағларини иқтисод қилиш - йилига саркопения билан оғриган "С" синфидаги битта беморни даволаш учун одатда сарфланадиган 51 452 116 сўмгача;

иккинчи илмий янгилик: 4,5 кг оғирликдаги юкни кўтариш ва зинадан кўтаришда қийинчиликлар мавжуд бўлганда динапения ва саркопения кўпроқ ривожланган. Ижтимоий самарадорлик: мушаклар кучсизлиги кўпинча беморнинг жисмоний фаоллигини чеклайди, кундалик одатий вазифаларни бажаришга ва атрофдагилар билан мулоқот қилишга имкон бермайди. Ушбу муаммони эрта аниқлаш ва даволаш ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаши мумкин: жисмоний фаолликни ошириш, беморларнинг психо-эмотсионал ҳолатини яхшилаш. Иқтисодий самарадорлик: жисмоний фаолликни тиклашга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ижтимоий харажатларни камайтириш, эрта ногиронликнинг олдини олиш ва парваришлаш давомийлигини қисқартириш имконини беради. Ижтимоий хизматлар учун молиявий юкни ҳамда ижтимоий ва тиббий тўловлар харажатларини камайтириш;

учинчи илмий янгилик: жигар циррози билан оғриган беморларда холестаза, оқсил етишмовчилиги ва гиподинамияда кўпинча динапения аниқланган. Динапения билан оғриган беморларда умумий билирубиннинг ўртача кўрсаткичлари  $28,9 \pm 1,88$  мкмол/л, динапениясиз -  $25,3 \pm 4,11$  мкмол/л; умумий оқсил - мос равишда  $67,4 \pm 1,19$  г/л ва  $73,5 \pm 1,56$  г/л; альбумин - мос равишда  $32,4 \pm 0,59$  г/л ва  $35,3 \pm 1,77$  г/л; ПТИ - мос равишда  $85 \pm 2,83\%$  ва  $88 \pm 5,09\%$ . Ижтимоий самарадорлиги: сариқлик ва оқсил етишмовчилигини чеклаш беморнинг ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келади, чунки холестаза кўпинча ноқулайлик, қорин оғриғи, ҳолсизлик, иштаҳанинг йўқолиши, шиллиқ қаватлар ва тери рангининг ўзгариши билан бирга келади, бу эса умумий аҳволнинг ёмонлашишига олиб келади, оқсил етишмовчилиги эса чарчоқнинг кучайишига, шишларга, асцитга олиб келади. Иқтисодий самарадорлиги: сариқлик ва оқсил етишмовчилигини бартараф этиш беморларга ижтимоий ва меҳнат ҳаётида фаолроқ иштирок этиш имкониятини қайтаришга ёрдам беради, касалхонага ётқизиш частотасини камайтиради. Самарали даволаш алоҳида беморлар учун ҳам, соғлиқни сақлаш тизимлари ва умуман жамият учун ҳам ижтимоий ва қўшимча фойда олишга олиб келади;

тўртинчи илмий янгилик: вирус этиологияли жигар циррози билан оғриган беморларнинг 45-54% ида овқатланишнинг бузилиши аниқланган. Меъёрий тана вазни 26 нафар (51%), ортиқча тана вазни 16 нафар (31%), семизлик 8 нафар (16%), етарли бўлмаган тана вазни 1 нафар (2%) беморда аниқланди. Мушаклар ҳолсизлиги 75-85% ҳолатларда қайд этилди. Динапения кўпинча нормал тана вазни бўлган беморларда аниқланди - 24 (47%). Қашқадарё вилоятида 55% ҳолатда тана вазни меъёрда бўлган беморлар устунлик қилди, улардан мушаклар кучсизлиги билан - 48%, ортиқча тана вазни ва семизлик билан - 30% беморлар. Фарғона вилоятида ортиқча тана вазни ва семизлик билан оғриган беморлар устунлик қилди, 54% ҳолларда, улардан мушаклар кучсизлиги билан - 33%, аммо динапения кўпинча нормал тана вазнида аниқланди - 42%. Ижтимоий самарадорлик: мушакларнинг кучсизлиги ва прогрессив вазн йўқотиш, айниқса жигар циррози фонида, организмнинг умумий чарчашининг ажралмас қисмидир. Ҳолдан тойган ёки семиз беморлар кўпинча жисмоний заифлик, рухий тушкунлик ва хавотир

туфайли фаол ижтимоий ҳаётдан ажралиб қоладилар. Ушбу аломатлар жисмоний фаолликни кескин пасайтириши мумкин, бу эса кундалик вазибаларни бажариш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва жамият ҳаётида иштирок этиш қобилиятининг чекланишига олиб келади. Иқтисодий самарадорлиги: юқори оқсилли овқатланишни киритиш ва даволаш орқали мушаклар кучсизлигини эрта аниқлаш ва даволаш: гипоаммониемик терапия, портал гипертензияни пасайтириш ва танадаги яллиғланиш жараёнини камайтириш чоралари. Буларнинг барчаси беморларга нормал ҳаёт ритмига қайтиш имконини беради, ўзига бўлган ишончни тиклашга ва беморларнинг психоэмоционал ҳолатини яхшилашга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари республика шифокорларининг ҳар йилда ўтказиладиган «Гепатология мактаби» ва иккита халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши бўйича жами 10 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, хотима, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**HBV, HDV, HCV вирус этиологияли жигар циррозида саркопенияга диагностик ёндашувлар ва даволашнинг айрим жиҳатлари**», деб номланган биринчи боби 3 та бўлимдан иборат бўлиб унда, хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил таҳлили берилган. Бўлимда ташхисотнинг асосий тамойиллари ва жаҳон тажрибаси, саркопения ривожланишининг патофизиологияси, ташхиси, даволаш ва олдини олиш бўйича замонавий қарашлар келтирилган. Овқатланишнинг етишмовчилиги ва мушаклардаги ўзгаришлар ривожланишининг асосий механизмлари ёритилган.

Диссертациянинг «Беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни келтирилган, тадқиқот материали ва усуллари тақдим этилган. Тадқиқотда қўлланилган усулларнинг етарли ҳажми ва тўғри танланганлиги, тадқиқот гуруҳлари ва қиёсий ўрганилган гуруҳларнинг асосли шакллантирилганлиги тўғрисида маълумот берилган. Қўлланилган умумклиник, лаборатор, инструментал серологик, молекуляр-биологик ва статистик текшириш усуллари баён этилган. Иш Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти (РИЭМЮПКИАТМ Вирусология ИТИ) да бажарилган. Тадқиқотга 2020 йилдан 2023 йилгача РИЭМЮПКИАТМ Вирусология илмий тадқиқот институтининг “Сурункали гепатитлар ва жигар циррози” V-бўлимида стационар шароитда даволанган HBV, HDV, HCV этиологияли жигар циррози билан оғриган 141 нафар бемор киритилган. 141 нафар беморда антропометрик кўрсаткичлар текширилди, клиник-лаборатор текширувлар ўтказилди. Инструментал тадқиқот усуллари 73 нафар беморда учинчи бел умуртқаси даражасида қорин бўшлиғининг МСКТ текшируви ташкил қилинди. Чайлд-Пью бўйича "А" синфидаги ЖЦ билан - 26 бемор, "В" синфи билан - 34 ва "С" синфи билан - 14 бемор. Вирусли гепатитларнинг этиологияси, жинси ва Чайлд-Пью бўйича синфларига қараб мушак массаси ва кучининг бузилиши, вирусли гепатит билан касалланиш давомийлигининг таъсири ўрганилди. Вирус этиологияли ЖЦ билан оғриган беморларда мушак кучи ва вазнининг бузилиш турлари тавсифланган. Кўрсаткичлардаги фарқларни баҳолаш учун Фишернинг аниқ критерийси ( $p < 0,05$ ) ишлатилган, саркопения ривожланишининг хавф омилларини баҳолаш учун эса 95% ишонч оралиғини аниқлаш билан имкониятлар нисбати ўрганилган. Саркопения натижаларининг клиник ва лаборатор хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқот гуруҳларини статистик жиҳатдан таққослашда стандарт хатони топиш усулларида фойдаланилди, бир омилли ANOVA калькулятори, шу жумладан Тьюке тести, Студент мезони ҳисоблаб кўрилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи "ҳолат-назорат" усулида амалга оширилди. Вирус этиологияли ЖЦ билан касалланган 73 нафар беморда кўрсаткичлар ўрганилди.

Тана вазни индекси кўрсаткичлари, кейинчалик тана вазни меъёрида бўлган, ортиқча ва семиз беморларда саркопения ривожланиш эҳтимоли баҳоланди. Эркаклар ва аёллар гуруҳлари ўртасида тана вазни индекси кўрсаткичларининг ишончлилигини аниқлаш учун Фишернинг аниқ критериясидан фойдаланилди ( $p < 0,05$ ). Скелет-мушак индекси ва динамометриянинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш учун Пирсон корреляция коэффициентидан фойдаланилди.

Кейинчалик, 57 нафар бемор иккита гуруҳга тақсимланди. 28 нафар бемор асосий гуруҳни ташкил қилди. Чайлд-Пью бўйича "А" синф ЖЦ билан 10 нафар бемор, "В" синф билан - 11 нафар, "С" синф билан - 7 нафар


бемор. Беморларга оқсилга бой бўлган миллий таомлар таклиф қилинди, кўшимча аминокислота комплексларидан фойдаланилди. Даволовчи овқатланиш учун энтерал ва парентерал овқатланиш учун оқсил препаратлари тавсия этилган. Ҳисоблаш беморнинг идеал вазнига асцит ва шишлар вазни чегириб ташланган ҳолда амалга оширилди. Назорат гуруҳини 29 нафар бемор ташкил этди. Улардан 9 нафари "А" синф, 14 нафари "В" синф ва 6 нафари Чайлд-Пью бўйича "С" синф жигар циррози билан касалланган беморлардир. Юқори оқсилли ва даволовчи овқатларни кўшимча равишда киритмасдан, ҳолатнинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда стандарт даволаш схемаси қўлланилди. Беморнинг умумий аҳволини эътиборга олган ҳолда стандарт даволаш схемалари қўлланилди. Тадқиқот мобайнида тана вазни, кафт динамометрияси ва скелет-мушак индекси бўйича кўрсаткичлар «тадқиқотгача-тадқиқотдан кейин» қиёсий баҳоланди. Тадқиқот давомида асосий ва назорат гуруҳларида даволанишдан олдинги ва кейинги маълумотлар вазн, панжа динамометрияси, скелет-мушак индекси кўрсаткичлари бўйича таққосланди. Статистик маълумотларни баҳолаш учун Студент критерийсидан фойдаланилди. Иккала гуруҳда ҳам даволашдан олдин ва кейин динамикада саркопения мавжудлиги ёки йўқлигини таққослаш учун МакНемарнинг хи-квадрат критериясидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларини статистик таҳлил қилиш Microsoft Office Excel (2016) махсус статистик дастури, Social Science Statistics ва Medstatistic онлайн калькуляторлари ёрдамида амалга оширилди. Олинган маълумотлар мутлоқ қийматлар ва фоиз кўрсаткичларида ифодаланди.

Касаллик юки бевосита ва билвосита тиббий харажатларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилди.


Диссертациянинг «**HBV, HDV, HCV этиологияли жигар циррози билан оғриган беморлар орасида мушак кучи ва массаси бузилишлари**» деб номланган учинчи бобда 60 ёшгача бўлган 73 нафар беморнинг касаллик тарихи ва текширув карталари таҳлил қилинган. Саркопения қуйидаги кўрсаткичларда ташхисланди: тана вазнининг меъёрий индекси, динамометрда мушак кучининг пасайиши ва 3-бел умуртқаси даражасида мушак майдонининг МСКТ текшируви бўйича скелет-мушак индексининг пастлиги. Пресаркопения - мушак массасининг камайиши, лекин мушак кучининг камайиши кузатилмайди; динапения - мушак кучининг камайиши, лекин мушак массасининг камайиши кузатилмайди.

ЖЦга олиб келган этиологияга кўра, 73 бемордан 56 (77%) беморда HBV вируси HDV вируси билан биргаликда аниқланган. HCV вируслари 15 (20%) беморда, HBV вируси эса 2 (3%) беморда аниқланган (1-расм):



**1 – расм. Вирус этиологияли жигар циррози**

HBV + HDV этиологияли ЖЦ билан касалланган беморлар гуруҳида саркопения 17 (23%) ҳолатда, HCV этиологияли ЖЦ билан касалланган беморлар гуруҳида эса 4 (5%) беморда кузатилди. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p=1$ ). HBV+ HDV этиологияли жигар циррози билан оғриган беморларда саркопения ривожланиш эҳтимоли 1,2 баравар юқори (95% ИИ: 0,23-6,90). ЖЦ билан касалланган беморлар гуруҳида HBV этиологияли саркопения 1 (1,50%) беморда кузатилди. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p=1$ ). HBV + HDV этиологияли ЖЦ билан касалланган беморлар гуруҳида пресаркопения 17 (23%) ҳолатда, HCV этиологияли ЖЦ билан касалланган беморлар гуруҳида эса 1 (2%) ҳолатда қайд этилган. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p=0,28$ ). ЖЦ HBV этиологияли беморлар гуруҳида пресаркопения кузатилмади. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p=1$ ). HBV + HDV этиологияли ЖЦ билан касалланган беморлар гуруҳида динапения 12 (17%) ҳолатда, HCV этиологияли ЖЦ билан касалланган беморлар гуруҳида эса 7 (9%) беморда кузатилди. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p=1$ ). ЖЦ билан касалланган беморлар гуруҳида HBV этиологияли динапения 1 (1,50%) беморда кузатилди. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p=1$ ) (2-расм).




**2-расм. Вирус турига қараб жигар циррозида мушак массаси ва кучининг бузилиши**

Вирус этиологияли ЖЦ билан оғриган беморларда HBV, HDV, HCV инфекциялари мавжудлигини аниқлаш учун ПЗР текшируви ўтказилди. HBV этиологияли беморлар гуруҳида 62 та ПЗР натижаларидан мусбат ПЗР саркопенияли 12 (57%) беморда ва саркопениясиз 3 (14%) беморда кузатилди. Саркопения билан касалланган 5 (23%) нафар беморда ва саркопениясиз 1 (5%) нафар беморда HBV инфекциясига ПЗР натижаси манфий бўлди. Саркопениянинг ривожланиш эҳтимоли қонда HBV вирусининг мавжудлиги ёки йўқлигига боғлиқ эмас, имкониятлар нисбати 0,8 (95% ИИ: 0,066-9,669). HDV инфекциясига мусбат ПЗР натижасида саркопения 15 (71%) беморда аниқланди, ўртача HDV RNA миқдори  $700649,3 \pm 459468$  коп/мл, 6 (28%) беморда эса кузатилмади, ўртача HDV RNA миқдори  $245008,3 \pm 154846,75$  коп/мл. ЖЦ билан оғриган беморларда HDV RNA вирус юкламасининг ошиши билан саркопения аниқланиши ошди.

Динапениенинг ривожланиш имкониятлари қонда HBV вирусларининг мавжудлиги ёки йўқлигига боғлиқ бўлмаган, имкониятлар нисбати 0,56 (95% ИИ: 0,038-8,086); HDV инфекциясига мусбат ПЗР натижасида 10 (63%) беморда HDV RNA ўртача миқдори  $272650 \pm 165130,28$  коп/мл, 6 (37%) беморда эса кузатилмаган, HDV RNA ўртача миқдори  $245008,3 \pm 154846,75$  коп/мл; HCV инфекциясида мусбат ПЗР натижасида 4 (57%) беморда динапение ривожланиш хавфи 1,33 мартага юқори, 1 (50%) ҳолатда эса - 1,33 (95% ИИ: 0,057-31,123).

Жинсга қараб, эркакларда вирусли этиологияли ЖЦ билан касалланган беморлар гуруҳида саркопения 12 (16%) ҳолатда, аёллар вирусли этиологияли ЖЦ билан касалланган беморлар гуруҳида эса 11 (15%) беморда кузатилган. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p=1$ ). Саркопения ривожланиш хавфи аёлларда эркакларга нисбатан 0,97 марта юқори (95% ИИ: 0,59-1,59). Эркакларда вирус этиологияли ЖЦ билан касалланган беморлар гуруҳида пресаркопения 17 (24%) ҳолатда қайд этилган, аёлларда вирус этиологияли ЖЦ билан

касаланган беморлар гуруҳида эса кузатилмаган. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ( $p=0,002$ ). Эркакларда вирус этиологияли ЖЦ билан касаланган беморлар гуруҳида динапенция 4 (5%) ҳолатда, аёлларда вирус этиологияли ЖЦ билан касаланган беморлар гуруҳида эса 16 (22%) беморда кузатилган. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p=0,06$ ) (3-расм).



**3-расм. Жинсига қараб вирусли этиологияли жигар циррозда мушак массаси ва кучининг бузилиши**

ЖЦнинг оғирлик даражасига қараб саркопения Чайлд-Пью бўйича "А" синфида 6 (8%) беморда аниқланди, улардан HBV DNA 100%, HDV RNA - 50% ( $p=1$ ) ва HCV RNA аниқланиш ҳолатлари бўлмаган. Чайлд-Пью бўйича "В" ва "С" синфларда саркопения 23% ҳолатда аниқланди. Улардан Чайлд-Пью бўйича "В" синфида саркопения HBV DNA мавжуд бўлганда 75%, HDV RNA мавжуд бўлганда 78% ( $p=1$ ) аниқланди ва HCV RNA аниқланиш ҳолатлари кузатилмади. Чайлд-Пью бўйича "С" синфида саркопения HBV DNA 80%, HDV RNA - 80%, HCV RNA - 1 ҳолатда аниқланди ( $p=1$ ). Саркопения ривожланиш хавфи Чайлд-Пью бўйича "В" синфда "А" синфга қараганда 1,12 баравар юқори (95% ИИ: 0,58-2,15) ва Чайлд-Пью бўйича "С" синфга қараганда 1,4 баравар паст (95% ИИ: 0,87-2,26). Чайлд-Пью бўйича "С" синфида саркопения ривожланиш хавфи "А" синфга қараганда 1,6 баравар юқори (95% ИИ: 0,85-2,92).

Вирус этиологияли жигар циррози билан оғриган беморларнинг маълумотлари таҳлиliga кўра, мушак массаси ва кучининг бузилиши 82% да кузатилган: саркопения - 31%, динапенция - 27%, пресаркопения - 24%.

Саркопения билан касаланган беморлар гуруҳида вирусли гепатит ўртача 2009 йилдан  $\pm 11,2$  ёшгача, бузилишларсиз беморларда эса 2013 йилдан  $\pm 8,9$  ёшгача ташхисланган. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p=0,26$ ). Саркопения ҳолатларининг кўпайиши HBV ва HDV вирусларининг фаол репликациясида гепатотситларнинг прогрессив парчаланиши, жигарнинг дезинтоксикатсион функциясининг бузилиши, қонда аммиакнинг ортиқча миқдори, портал гипертензиянинг кучайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.


Тадқиқот гуруҳларига киритилган 141 нафар беморда ўтказилган тадқиқотнинг иккинчи босқичида олинган натижаларга кўра, эркакларнинг бўйи ўртача  $174,54 \pm 5,87$  см (95% ИИ 173,3-175,8 см) кўрсаткичда аниқланган ҳолда бу қиймат 160 дан 189 см гача бўлган ораликни ташкил қилди. Аёлларда аниқланган бўй узунлиги 140 см дан 178 см гача бўлган ораликда аниқланиб, улар орасида ўртача кўрсаткич  $162,73 \pm 6,06$  см (95% ИИ 161,2-164,3 см) ни ташкил қилди.

Вирус этиологияли ЖЦ билан касалланган беморларнинг вазни қуйидагича тақсимланди: нормал вазли - 54%, ортиқча вазли - 27%, семизлик билан - 14%, кам вазли - 5% (4-расм).



**4-расм. Вирус этиологияли ЖЦ билан оғриган беморларнинг вазни**

Тана вазни индекси (ТВИ) меъёрда бўлган вирус этиологияли ЖЦ билан оғриган беморлар гуруҳида саркопения 21 (28%) беморда, ортиқча ТВИ билан - 1 (1%) беморда ( $p < 0,001$ ). Жигар циррози билан оғриган беморларда меъёрий тана вазнида саркопения ривожланиш эҳтимоли ортиқча тана вазнига қараганда 94 баравар юқори (95% ИИ: 7,57-1179,58). Семизлик билан оғриган беморларда саркопения 1 (1%) беморда аниқланди. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p = 0,052$ ). Жигар циррози билан оғриган беморларда меъёрий тана вазнида саркопения ривожланиш эҳтимоли семизликка қараганда 21 баравар юқори (95% ДИ: 1,27-346,95) (5-расм).



**5-расм. Вирусли этиологияли жигар циррози ва семизлик билан касалланган беморларда саркопения частотаси**


Чайлд-Пью бўйича "А" синфидаги ТВИ 28 эркак ва 22 аёлда баҳоланди. Меъёрий тана вазни 17 (34%) эркак ва 10 (20%) аёлда кузатилди. Ортиқча вазн 9 нафар (18%) эркакларда ва 8 нафар (16%) аёлларда кузатилди ( $p=0,54$ ). Семизлик 2 (4%) эркак ва 4 (8%) аёлда кузатилди ( $p=0,36$ ). Чайлд-Пью "В" синфига 33 эркак ва 21 аёл кирди. Улардан вазни меъёрда бўлган 21 (39%) эркак ва 13 (24%) аёл. Ортиқча вазн 8 та (15%) эркакда ва 2 та (4%) аёлда аниқланди ( $p=0,45$ ). Семизлик 4 (7%) эркак ва 6 (11%) аёлда кузатилди ( $p=0,28$ ). Чайлд-Пью бўйича "С" синфи 18 эркак ва 15 аёлни ўз ичига олган, чунки 4 нафар вазн етишмовчилиги бўлган беморлар ҳисобга олинмаган. Тана вазни меъёрда бўлган 7 (21%) эркак ва 11 (33%) аёл. Ортиқча вазн 9 (28%) эркакларда ва 2 (6%) аёлларда кузатилди ( $p=0,05$ ). Семизлик 2 (6%) эркак ва 2 (6%) аёлда кузатилди ( $p=1$ ).

Бел скелет-мушак индекси (СМИ) ва динамометрия кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги аниқланганда, Чайлд-Пью бўйича "А" синфда ушбу белгилар кучсиз ижобий корреляцияга эга эканлиги аниқланди,  $r(25)=0,45$ ,  $p=0,03$ . Чайлд-Пью бўйича "В" синфда ҳам корреляция кучсиз мусбат бўлди,  $r(32)=0,49$ ,  $p=0,006$ . Чайлд-Пью бўйича "С" синфда корреляция ўртача ижобий,  $r(14)=0,52$ ,  $p=0,08$ .

Динамения 141 нафар беморда динамометрия кўрсаткичлари бўйича баҳоланди. Чайлд-Пью бўйича "А" синфида 39 нафар беморлар орасида ортиқча тана вазни билан 26% ва меъёрий тана вазни билан 13% ( $p=0,2$ ); "В" синфда 51 бемордан - 14% ва 43% ҳолларда ( $p=0,23$ ); "С" синфда 31 бемордан - 32% ва 39% ҳолларда ( $p=1$ ). Шунинг учун, ҳар бир Чайлд-Пью синфидаги гуруҳлар ўртасида мушак кучсизлиги частотасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз.

СМИ кўрсаткичи тадқиқот гуруҳларига киритилган 73 нафар беморда баҳоланди. Чайлд-Пью бўйича «А» синфига мансуб бўлган жигар циррози

касаллиги билан оғриган беморлар орасида юқори тана вазнига эга бўлган беморларда ҳам, меъерий тана вазнига эга бўлган беморларда ҳам улар орасида 20% ҳолатда саркопения кузатилган бўлсада, бу аниқланган кўрсаткичнинг ўртача қиймати бўйича тана вазнига боғлиқ ҳолда статистик жиҳатдан ишончлилик кузатилмади ( $p=0,2$ ). Чайлд-Пью бўйича «В» синфида бўлган жигар циррози билан оғриган беморда саркопения 9% ҳолатда тана вазни юқори бўлган беморларда, 44% ҳолатда эса тана вазни меъёрда бўлган беморларда аниқланди ва бу статистик жиҳатдан аҳамият касб этди ( $p=0,01$ ). Чайлд-Пью бўйича «С» синфида бўлган жигар циррози билан оғриган беморда саркопения 8% ҳолатда тана вазни юқори бўлган беморларда, 54% ҳолатда эса тана вазни меъёрда бўлган беморларда аниқланди ва бу статистик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлди ( $p=0,03$ ) (6-расм).



**6-расм. Чайлд-Пью синфига қараб бел скелет-мушак индекси (СМИ), динамометрия ва ТВИ кўрсаткичлари**


Шундай қилиб, вирусли (HBV, HDV, HCV) этиологияли жигар циррозида саркопения ривожланиш эҳтимоли тана вазни меъёрда бўлган беморларда ортиқча тана вазнига қараганда 94 марта ва семизликка қараганда 21 марта юқори. Чайлд-Пью бўйича турли синфларда эркалар ва аёллар ўртасидаги ТВИ кўрсаткичлари статистик аҳамиятга эга эмас. СМИ ва динамометрия кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция кучи Чайлд-Пью бўйича "А" ва "В" синфларда кучсиздан "С" синфда ўртачагача сезиларли даражада ижобий ўсди. СМИ томонидан баҳоланганда, саркопения тана вазни меъёрда бўлган беморларда ортиқча вазни беморларга қараганда сезиларли даражада кўпроқ учради. Шундай натижалар овқатланишдаги оқсил компонентини чеклаш ва кам овқатланиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг **"Вирусли этиологияли жигар циррозида ва саркопения билан оғриган беморларда клиник тадқиқотлар ва даволаш тадбирларининг ўзига тавсифи"** деб номланган тўртинчи бобида 73 нафар бемор текширувдан ўтказилди. Кўрик пайтида саркопения билан

касаланган беморлар энг кўп шикоят қилишган. Вирус этиологияли жигар циррози саркопения билан оғриганларда кўнгил айниши бироз кўпроқ безовта қилди - 10 (13%) ҳолатда, бузилишларсиз жигар циррози билан оғриган беморларда эса - 6 (8%) ҳолатда. Кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмади ( $p=1$ ). Қусиш саркопения билан оғриган беморларни 4 (5%) ҳолатда, ўзгаришларсиз беморларни эса 1 (1%) ҳолатда безовта қилди ( $p=0,63$ ). Тана вазнининг камайиши 13 (17%) ҳолатда, ўзгаришларсиз эса 4 (6%) ҳолатда кузатилди ( $p=0,18$ ). Шишлар 13 (17%) ҳолатда, ўзгаришларсиз - 5 (7%) ҳолатда аниқланди ( $p=0,49$ ). Қорин оғриғи 16 (21%) беморда, ўзгаришларсиз 11 (15%) беморда кузатилди ( $p=0,44$ ). Саркопения билан оғриган беморларда қабзиятга шикоятлар 12 (16%) ҳолатда, ўзгаришларсиз беморларда эса 7 (10%) ҳолатда кузатилди ( $p=1$ ). Саркопения билан диарея фақат 1 (1%) ҳолатда кузатилди ( $p=1$ ). Бўғимлардаги оғриқлар саркопения билан оғриган 13 (17%) беморда, ўзгаришларсиз эса 8 (11%) беморда кузатилди ( $p=1$ ). Саркопения билан оғриган беморларнинг 13 (17%) нафарида сариклик шикояти, ўзгаришларсиз - 3 (4%) нафар беморда ( $p=0,08$ ) кузатилди. Саркопения билан оғриган беморларнинг 16 (21%) нафарида, ўзгаришларсиз беморларда эса 8 (11%) ҳолатда хансираш кузатилди ( $p=0,72$ ). Саркопения билан оғриган беморларда юк ташишдаги қийинчиликлар 13 (23%) ҳолатда, ўзгаришларсиз беморларда эса 3 (4%) ҳолатда кузатилган ( $p=0,08$ ). Саркопения билан оғриган беморларнинг фақат 3 (4%) нафарида юришда қийинчиликлар кузатилди ( $p=0,29$ ). Зинадан кўтарилишда қийинчиликлар 15 (20%) беморда, бузилишларсиз - 7 (10%) беморда кузатилди ( $p=0,72$ ). 3 (4%) бемор йиқилишдан шикоят қилган, бузилишларсиз шикоятлар билдирилмаган.

Саркопенияли вирус этиологияли ЖЦ билан касаланган беморларда қуйидаги асоратлар кўпроқ ташхисланди.

Жигар энцефалопатияси саркопения билан 13 (17%) ҳолатда, бузилишларсиз эса 3 (4%) ҳолатда кузатилган ( $p=0,08$ ), саркопенияда ривожланиш эҳтимоли 4,3 марта юқори (95% ИИ: 0,937 - 20,035). Асцит саркопения билан 13 (17%) беморда, бузилишларсиз - 3 (4%) ҳолатда ташхисланган ( $p=0,08$ ), саркопенияда ривожланиш эҳтимоли 4,3 баравар юқори (95% ИИ: 0,937 - 20,035). Саркопения билан оғриган 13 (17%) беморда тери ва склеранинг сарғайиши ва бузилишларсиз 3 (4%) ҳолатда аниқланди ( $p=0,08$ ), саркопениянинг ривожланиш эҳтимоли 4,3 баравар юқори (95% ИИ 0,937 - 20,035). Ошқозон-ичакдан қон кетиши (оикк) саркопения билан 5 (7%) ҳолатда, бузилишларсиз эса 2 (3%) ҳолатда кузатилган ( $p=1$ ), саркопенияда ривожланиш эҳтимоли 1,5 баравар юқори бўлган (95% ДИ: 0,25 - 9,273) (7-расм).



**7-расм. Саркопенияда вирус этиологияли ЖС билан оғриган беморларнинг клиник хусусиятлари**

HBV DNA ва HDV RNA аниқланганда жигар циррози билан оғриган беморларнинг шикоятлари ва текширув маълумотларини таҳлил қилиш саркопения мавжуд бўлганда асоратлар ривожланишининг юқори хавфини аниқлади: энцефалопатия, асцит, тери ва склеранинг сариқлиги ривожланиш хавфи 4,3 баравар, ҳамда ошқозон-ичакдан қон кетиш хавфи 1,5 баравар юқори.

Вирус этиологияли жигар циррози билан оғриган беморларнинг лаборатория кўрсаткичларини ўрганишда қуйидаги маълумотлар олинди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Лаборатор кўрсаткичларни баҳолаш**

Кўрсаткич	Саркопения	р	Пре-саркопения	р	Динапения	р	Саркопениясиз	р
Гемоглобин, г/л	93,83±4,38	0,001	114,18±4,06	0,001	104,1±3,03	0,001	102,38±5,06	0,001
Ранг кўрсаткич	0,86±0,02	0,001	0,92±0,01	0,001	0,88±0,02	0,002	0,88±0,02	0,001
Тромбоситлар, ҳужайра/	100,36±8,73	0,001	121,65±11,14	0,009	108,35±9,92	0,001	130,23±13,30	0,001

литр								
Эрит- ротсит -лар чўкиш тезли- ги, мм/ соат	22,14± 2,13	0,001	14,64± 2,35	0,001	19,11± 2,03	0,005	14,46± 1,27	0,001
АЛТ, Бирлик /л	35,77± 2,14	0,001	58,17± 18,70	0,52	51,36± 6,23	0,001	40,38± 2,72	0,001
Били- рубин уму- мий, мкмол/ л	42,25± 7,43	0,18	44,44± 10,22	0,18	39,59± 8,95	0,75	22,05± 3,82	0,001
Боғлан -маган били- рубин, мкмол/ л	34,75± 5,56	0,31	35,64± 7,69	0,86	35,00± 7,00	0,83	22,05± 3,82	0,001
Альбу- мин, г/л	29,46± 0,69	0,052	30,21± 0,77	0,44	29,59± 0,76	0,16	30,71± 0,64	0,001
Креа- тинин, мкмол/ л	75,29± 4,87	0,001	78,26± 2,44	0,002	74,98± 2,63	0,026	75,02± 1,74	0,67
Моче- вина, ммол/л	6,1± 0,18	0,006	5,95± 0,23	0,007	6,09± 0,31	0,88	6,37± 0,22	0,002
Про- тром- бин индек- си, %	80,91± 3,88	0,004	78,14± 4,40	0,03	79,67± 2,73	0,55	80,14± 3,94	0,52

Гемоглобиннинг ўртача кўрсаткичлари саркопенияда энг паст -  $93,83 \pm 4,38$  г/л, саркопениясиз -  $102,38 \pm 5,06$  г/л, динапенияда -  $104,1 \pm 3,03$  г/л, пресаркопенияда энг юқори -  $114,18 \pm 4,06$  г/л бўлди. Апостериор Тюки мезони ёрдамида саркопения ва пресаркопения билан оғриган беморлардаги кўрсаткичлар таққосланганда, фарқлар статистик ишончли бўлди ( $p=0,006$ ). Саркопенияда эритроцитлар чўкиш тезлигининг ўртача кўрсаткичлари энг юқори  $22,14 \pm 2,13$  мм/соат, саркопениясиз эса энг паст -  $14,46 \pm 1,27$  мм/соат, динапенияда -  $19,11 \pm 2,03$  мм/соат, пресаркопенияда -  $14,64 \pm 2,35$  ни ташкил этди.

Саркопения билан оғриган беморлар ва бошқа гуруҳлардаги кўрсаткичларни Тюки апостериор критерийси ёрдамида таққослаганда, фарқлар статистик ишончли бўлмади. Гуруҳлар ўртасидаги натижаларни ўзаро таққослаганда, саркопения билан оғриган беморлар гуруҳида саркопениясиз беморларга қараганда гемоглобин, ранг кўрсаткичи, тромбоцитлар, АЛТ, альбумин ва мочевианинг паст кўрсаткичлари аниқланганлиги эътиборга лойиқдир. Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги, умумий ва боғланмаган билирубин кўрсаткичлари саркопения билан оғриган беморларда саркопениясиз беморларга қараганда сезиларли даражада юқори эди (8-расм).



**8-расм. Саркопенияда жигар циррози билан касалланган беморларда лаборатория кўрсаткичлари**

Чайлд-Пью бўйича синфларга қараб, "А" синф ЖЦ билан оғриган беморларда саркопениянинг мавжудлиги қондаги тромбоцитлар сонини  $104,5 \pm 16,77 \times 10^9$ /л гача, саркопениясиз -  $161,8 \pm 12,95 \times 10^9$ /л гача камайтирди ( $p=0,03$ ); саркопения билан Чайлд-Пью бўйича "А" ва "В" синфларида альбуминнинг  $33,26 \pm 1,28$  г/л дан  $28,82 \pm 0,73$  гача пасайиши кузатилди ( $F=9,0$ ;  $p=0,002$ ); саркопения билан Чайлд-Пью бўйича "В" ва "С" синфларида умумий ва боғланмаган билирубин кўрсаткичлари  $30,32 \pm 3,57$  мкмол/л дан  $89,83 \pm 15,77$  мкмол/л гача ( $p=0,001$ ) ва  $27,21 \pm 2,73$  мкмол/л дан  $66,8 \pm 14,2$  мкмол/л гача ошди ( $F=12,77$ ;  $p=0,001$ ) (2-жадвал).

**Чайлд-Пью бўйича турли синфлардаги вирус этиологияли ЖЦда  
лаборатория кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Синф Чайлд- Пью	Саркопения билан	Саркопениясиз	P
Гемоглобин, г/л	"А"	99,66±11,94	111,2±4,09	0,42
	"В"	92,36±4,56	95,86±8,42	0,69
	"С"	90,66±9,8	-	
	F	0,3		
	P	0,74		
ЦП	"А"	0,88±0,05	0,92±0,02	0,53
	"В"	0,86±0,03	0,86±0,05	0,96
	"С"	0,83±0,05	-	
	F	0,3		
	P	0,73		
Тромботситлар, хужайралар/л	"А"	104,5±16,77	161,8±12,95	0,03
	"В"	100,8±15,6	119,57±16,58	0,43
	"С"	95,5±12,43	-	
	F	0,07		
	P	0,93		
